

Товар (максулот) етказиб бериш түгрисида

ШАРТНОМА № 17

"31" январ 2022 йил

Поп шахри

Амалдаги Низом асосида иш юритувчи биринчи томондан "Поп дармон нон" МЧЖ номидан раҳбари Ж.Абдуллаев (матнда кейинги уринларда «Етказиб берувчи» деб юритилувчи), кейинчалик «Бюджет ташкилоти» деб юритилувчи **Поп туманидаги мактабгача таълим булими** номидан бюджет ташкилоти раҳбари Н.Махмудов иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар түгрисида туздилар:

І. ШАРТНОМА МАЗЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома буйича «Етказиб берувчи» «Бюджет ташкилоти» га узаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий кийматидан ошмаган суммадаги озик овқат махсулотлари етказиб бериш, «Бюджет ташкилоти» га эса етказиб берилган махсулотларни кабул килиб олиб, амалдаги конунчиллик талабларига мувофик белгиланган тулов кетма-кетлигига риоя килган холда туловларни амалга ошириш мажбуриятини уз зиммасига олади. Етказиб бериладиган махсулотларнинг шартнома тузиш вактидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати куйидагича белгиланади:

II. «ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси ККС билан **15632750** (Ун беш миллион олти юз уттиз икки минг етти юз эилик) сумни ташкил этади.

2.2. «Харидор» олинадиган «Товар (махсулот)» учун амалдаги конунчиликда курсатилган микдордан кам булмаган, яъни 30 % и микдорида келишув асосида олдиндан хак тулайди.

2.3. «Етказиб берувчи» тегишили даврда томонларнинг узаро келишувига мувофик белгиланган микдорда ва аванс туловидан сунг камидаги 15 кун муддатда мсахсулотларни «Бюджет ташкилоти» га етказиб беради.

2.4. «Бюджет ташкилоти» тақдим этилган хужжатларга асосан 90 кундан ортик булмаган муддатда узил кесил хисоб-китоб килади.

2.5. Етказиб берилган «Товар (махсулот)» учун пул утказиш йули билан нақд пулсиз тартибда хисоб-китоб килинади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Бюджет ташкилоти» нинг хукук ва мажбурияятлари:

а) «Етказиб берувчи» дан шартномани бажариш учун зарур булган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

б) «Етказиб берувчи» дан мазкур шартномага мувофик бериладиган буюртманомага мувофик тегиншли сифат, ассортиментдани «Товар (махсулот)» етказиб берилишини талаб килиш;

в) мазкур шартнома шартлари бажарылмаганлиги ёки зарур даражада бажарылмаганлиги натижасида етказилиган заар копланишини «Етказиб берувчи» дан талаб килиш;

г) уз буюртманомаси буйича етказиб берилган «Товар (махсулот)» ни мазкур шартномага мувофик кабул килиш;

3.2. «Етказиб берувчи» куйидаги хукуклар ва мажбуриятларга эга:

а) Етказиб берилган «Товар (махсулот)» хакини амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб килинишини «Тулаб берувчи» дан талаб килиш;

б) «Бюджет ташкилотига «Товар (махсулот)» ни мазкур шартномага мувофик ёки «Бюджет ташкилоти» нинг буюртманомасига мувофик белгиланган муддатда, сифатли ва тугри микдорда етказиб бериш;

в) Агар «Товар (махсулот)» ни етказиб бериш жараёнида «Етказиб берувчи» шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йул куйган булса, «Бюджет ташкилоти»нинг таълаби билан аникланган барча камчиликларни 5 кун муддат ичиди текин бартараф этади

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши лозим. Агар томонлар уз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. «Бюджет ташкилоти» муддатлар бузилган холда етказиб берилган «Товар (махсулот)» ни кабул килишни рад этишга хаклиди.

4.4. «Бюджет ташкилоти» илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд «Товар (махсулот)» нинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини узгартиришга хаклиди, бу хакда «Етказиб берувчи» ни буюртномада курсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор килади.

V. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Агар етказиб берилган «Товар (махсулот)» нинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартларга жавоб бермаган тақдирда, «Етказиб берувчи» етказиб берилган, сифати зарур даражада булмаган «Товар (махсулот)» кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тулайди.

5.2. «Бюджет ташкилоти» уз навбатида етказиб берилган товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда уларни етказиб берганда товарларни олишни асосиз равишда рад этганлик учун «Бюджет ташкилоти» «Етказиб берувчи» га танлаб олинмаган (уз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар буйича эса 10 фоизи микдорида жарима тулайди.

5.3. «Товар (махсулот)»ни етказиб бериш кечикирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда «Етказиб берувчи» «Бюджет ташкилоти»га кечикирилган хар 1 кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пеняning умумий суммаси етказиб берилмаган «Товар (махсулот)» нинг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак.

5.4. Етказиб берилган «Товар (махсулот)» учун уз вактида хак туланмаганды «Бюджет ташкилоти» «Етказиб берувчи» га муддати кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган тulos суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бу кечикирилган тulos суммасининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак.

5.5. «Бюджет ташкилоти» томонидан тегишли шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Бюджет ташкилоти» ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги), «Бюджет ташкилоти» томонидан шартнома буйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигиге) олиб келган «Етказиб берувчи» нинг жавобгарлиги хам куриб чиқилади. «Етказиб берувчи» нинг айби билан шартноманинг «Бюджет ташкилоти» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Етказиб берувчи» томонидан копланади.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кулланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, коидага кура, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини курадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита иктисадий судга мурожаат килишлари мумкин.

6.3. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошка томон шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг таълаби буйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартномага хар кандай узгаришлар ва күшимчалар улар ёзма равишида содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада мастьул булган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хақиқий хисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Газначилик булинмасида Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28-февралдаги 594-сонли карори хамда "Бюджет кодекси" га мувофик, мажбурий руйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради).

7.2. Шартнома газна руйхатибан утказилгандан сунг (Бюджетдан маблаг олувчилик учун 2016 йил 22-декабрда Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан руйхатга олинган «Узбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси» Коидаларига асосан) амал килиш муддати 2022 йил 31-декабргача белгиланади.

7.3. Шартнома мүддатидан олдин куйидаги холларда бекор килиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофик;
 - Узбекистон Республикаси конунчиллик хужжатларида назарда тутилган холларда;

VIII.ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

Форс-мажор холатлари, жумладан, ер кимирилаши, сел келиши каби табиий оғатлар, шунингдек, Узбекистон Республикаси хукумати томонидан янги конун ва карорларни кабул килиниши натижасида келиб чикадиган холатларда тарафлар мазкур шартнома ва күшимча келишувлар шартларини бажариши масъулиятини уз зиммаларига олмайдилар.

ІХ. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик күчгә эга хисобланади ва томонларниң хар бири учун бир нусхадан берилади.

Х. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Етказиб берувчи» «Поп дармон ион» МЧЖ

Манзил: Поп тумани

X\P: 20208000204667988001

Банк: Микрокредит банк Поп филиали

ИНН: 300672969 МФО: 00239



Ж.Аблуллаев

Joseph M. Molyneux

«Бюджет ташкилоти»

Поп туманидаги мактабгача таълим булими

Адрес: Поп шахри Обод МФЙ

ш\xв: 400722860142197091100251055

ИНН: 305152908 ОКЭД 85100

Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар Бони

башкармаси

Хисоб-китоб касса маркази МФО 000

Молия вазирлиги Газначилиги

Газна х/в 15402
от 19.09.2011



Н.Махмудов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO`G`RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ LP78314661

1.Loyihaning turi: Shartnoma-17

2.Loyihaning nomi. 15 632 750 so`mli tovar (maxsulot) yetkazib berish tugrisida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot. Loyiha "Pop darmon non" MChJ hamda Pop tumanidagi mактабгача ta'lim bulimi tomonidan ishlab chiqilgan markazga 31.01.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



D.Jurayeva

31.01.2022 yil